

ГРАФИКАНИНГ КИТОБОТ САНЪАТИ УСТАСИ



Норимон Шарипов

“Хаттолик ва китобграфикаси” Катта ўқитувчиси
Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтини

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-02-07>

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, доцент Кутлуғ Башаровнинг қизи Лайло Башарова тасвирий санъатнинг графика йўналишида ижод қилиб китоб графикаси, графика ва акварел йўналишида тинимсиз ижод қилиб катта маҳоратга эришган ва Ўзбекистон графика санъатининг, дастгоҳли графика, китоб графикасини, мустақиллик йилларида сезиларили даражада ривожланишида ва шу билан бир вақтда К.Беҳзод номидаги МРДИ да графика кафедрасида етакчи устоз педагог сифатида ёш график рассомларни тайёрлашда ўзининг фаол меҳнатини сарфлаётганлиги хақида қимматли фикрлар баён қилинади.

Калит сўзлар: Графика, Лайло Башарова, акварел, китоб графикаси, рассом, ижодкор устоз-шогирд, ўқув қўлланмалар, республика, халқаро кўرғазмалар, мохир педагог.

Аннотация: В статье излагается о прекрасного и профессионального графика, станкового, книжного графика и акварелиста художника творческой и о педагогического деятельности и качества наставника в воспитании молодых графиков и внесшую большой вклад развитию Ўзбекскую графику Национального института художеств и дизайна о Лайло Башарова.

Ключевые слова: Лайло Башарова, график, станковист, книжник художник, акварелист, творчество, педагогические действительност, выставочной приведений.

Abstract: The article presents the work of the talented and professional graphic artist, easel and book illustrator, watercolorist, and teacher Lailoa Basharova, whose creative and pedagogical activities have significantly contributed to the development of Uzbek graphic art at the National Institute of Arts and Design. The article highlights her qualities as a mentor in nurturing young graphic artists and her role in the development of the field.

Keywords: Lailoa Basharova, graphic artist, easel artist, book illustrator, watercolorist, creativity, pedagogical activities, exhibition works.

Лайло Башарова 1990 йиллар мобайнида Ўзбекистонда ўтказилган бадий кўрғазмаларда фаол иштирок этиб, ўзини маҳоратли графикачи рассом сифатида танита олди. У Ўзбекистон табиатини жон дили билан севадиган ижодкорлар сирасига киради. Рассом ер юзининг турли мамлакатлар худудларининг гўзал, манзарали, унча-мунча инсон эътибор бермайдиган кутилмаган жойлардаги ўзига хос гўзалликни, китоб безатиш йўналишида яратилаётган иллюстрацияларни ниҳоятда назиклик билан ҳис этиб, тасвирлаб беради.

Л.Башарова 1975 йилда Ташкентда туғилган. 1990 йилдан-1994 -йилгача П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини ўқиб муваффақиятли тугатган.

90-йилларда охирида кўрғазма ва галереяларда графикачи рассомлар фаоллашди. Полиграфик китоб графикаси бўйича тажрибали усталар етишиб ажойиб эртақларга иллюстрацияларни яратишди. Шулар орасида тажрибали уста А.Маҳкамов томонидан “Шарқ халқлари эртақлари” китобига ишланган иллюстрациялари бадий жихатдан юксак

даражада бажарилган. Уларга реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади. Шу йилларда график рассомлар Феруза ва Лайло Башаровалар Ш.Перронинг “Она ғоз эртаклари”га (“Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси) болалар дунёкарашига мослаб реалистик услубда безакли иллюстрациялар яратганлар.

Л.Башарова 1994 йили К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини китоб графикаси бўлимини битирган. Шу йили БА ёшлар уюшмасига аъзо бўлган. 2003 йилдан эса Ўзб БА нинг ижодкорлар уюшмасининг аъзоси га қабул қилинган. 2004 йилдан К.Бехзод номидаги МРДИ педагог сифатида фаолиятини бошлади. 2018 йилда Буюк Британиядаги Бирменгем университететида Visual Communications кафедрасида малакасини оширган. 2021 йили К.Бехзод номидаги МРДИ дастгоҳли ва китоб графикаси кафедраси доценти. У Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ нашриётлари билан ҳамкорлик қилиши натижасида 30 дан ортиқ китобларни безатган.

Мазкур институтни битирганидан кейин ўтган даврда интилувчан ва мукаммал ижодкор рассом сифатида маҳоратини пишиқ бўлишига эришди. Шунинг учун бўлса керак, у эътиборини тортган нарсаларни ҳеч қийналмасдан гўзал тарзда ифодалайди. Лайло кўплаб республика, халқаро ва кўргазмалар ва танловлар иштирокчиси. Шунингдек у Братислава болалар биенналесининг иштирокчиси. Лайло, Тошкентда ва Бирменгемда ўзининг шахсий кўргазмасини ҳам ташкил этган. Шу билан бир вақтда у халқаро “Искусства народов мира”Ассоциациясининг хизмат кўрсатган рассоми.

Рассом 1998 йили Лайло Башарова, график рассомлар билан Ўзбекистоннинг мустақиллик кунига бағишлаб ташкил этилган кўргазмасида ўзининг болалар мавзусида, болалар ўйинларини қувноқ жараёнларининг айни вақтда, кўп қоматли жажжи кўринишларини, уларнинг қайноқ ҳаётини офорт техникасида етук график рассом сифатида акс эттирган.

Л.Башарова графиканинг турли хил техникасида жуда кўп нарсаларни ўзлаштира олди. У қалам, офорт ва автолитографияда ишлашда чуқур малакага эришди. Рассом айниқса, Тошкент туманининг табиий, ўзига хос кўринишларини “болалар учун энциклопедия”1-2 томлик китобида ва жаҳон халқлар миллий либослари “Шарқ” нашриётида чоп этилган туркум композицияларида ҳамда турли мамлакатларнинг одамларига хос рамзий безакларига тўла, гавжум нақшинкор чизгилар ва уни кўрган киши ҳайратланидиган моделларининг кўринишларини литографик қаламдан ва офорт техникасидан фойдаланишда юксак истеъдодини намоян эта олди. У мазкур асарларини катта тажрибаларга эга бўлган график рассом сифатида маҳоратини кўрсатиб энг майда унсурларигача ёрқин бўёқлардан уста ва топқир ижод соҳибаси сифатида акс эттиришга мувафақ бўлди. Ижодкор ушбу асарларида ҳар бир миллатларнинг меъморий қурилмаларини, кўча ва шовқинли, кўп қаватли уйлар ва шовқин суронга тўла йўл асари орқали катта йўллар атрофидаги табиатнинг унчалик сезилмайдиган сирли жозибасини акварел, гуаш бўёқлари ёрдамида ёрқинлик билан акс эттирган.

Л.Башарова шу каби туркумдаги асарларида табиатнинг турли гўшаларини жуда нафис ва самимийлик билан тасвирлаган. Рассом реалистик санъат тури ва тилини яхши билган рассом сифатида синчков нигоҳи орқали дарахтлар ва буталар, қушлар ва сувнинг сирли ҳаётига кириб боради ҳамда табиатдаги ўзгаришларни майда – чуйдаларигача ифодалаб беради. У ҳаётнинг тўхтовсиз оқимини шу тарзда кўрсатишга алоҳида аҳамият беради. У эстетик таъсирчан ва манзарали композициялар ечимини яратади. Унинг қуйидаги нафис асарларида маҳорати кучли, графика санъати устаси, моҳир рассом томонидан яратилганлиги яққол сезилиб туради. Рассомнинг “Эрувгарчилик”, “Оқшом”, “Чўпон”, сингари композициялари фикримизнинг далилидир.

Л.Башарова дастгоҳли графика турида ишлаган асарларини ижодий асарлари сифатида кўп бажарган. Масалан: 2016й. “Оқсоқол”номли ишини яратишга линогравюра техникасида тасвирлаган ва уни таъсирли қилиб ишлашга “Шарқ мадоннаси”2016, “Болалик” 2016 саҳифа тузилишини идрок этишда узоқ муддат академик йўналиш доирасида туриб қолди. Мазкур йўналишга хос воситалардан усталарча фойдаланиш

асарни томошабинга таъсир этадиган даражада яратилишига замин яратади. Аммо иккимингинчи йилларнинг унинг ижодида бошқа кўплаб график ёш рассомлар каби муайян бурилиш содир бўлди. Унга энди нашриётлардан, олдиндан тайёрланган пухта чизгилари, кичик хажмдаги этюдлари, график чизгилари асосида яратган акварел бўёқлари ёрдамида бажарилган шартли манзараларини эркин тасвирлашга катта эътибор қаратди. Навбатдаги иши “Ширин хотиралар” офорт туркумида бажарилган. Унинг ушбу асарлари ўйноқи ранглар, шартли хашоратларнинг, капалакларнинг, ёки минг оёқли қуртларнинг қоматчаларини тасвирлари сингари, замонавий кўринишга эга бўлган болаларга хос шакилли иллюстрациялари ўзбек графикаси намоёндалари асарларидан кескин фарқ қилади. Л. Башарованинг мазкур манзараларида аввалги давр асарларига хос миришкорлик кўзга ташланмайди. Рассом аёл, нозик табиатли мусаввираларга хос нафис чизгилар ва кескин, қарама-қарши рангли манзаранинг энг муҳим қирраларини кўрсатишга эришиш мақсадида майда унсурлардан воз кечганлиги билиниб туради. Рассомнинг “Чойшаб” асарини ҳам офорт техникасида ишлаган. Ниҳоят “Капалак”ни 2020 йил асарида ўзига хос кўринишини тасвирлаган.

Ижод соҳибасининг кўп асарлари график асарлар яратиш борасидаги бундай тадрижий изланишлар натижасида табиатнинг яққол кўзга ташланиб турган жиҳатларини эмас, аксинча ундаги кўз илғамас ўзгаришларни, табиатнинг, ер атрофидаги қувватини ва ёқимли жозибасини, унга самодан келадиган куч ва қудратини, табиатдаги ғаройиб ўзгариш ва янгиланиш, ҳамда ундан тараладиган мусикавий оҳангларнинг инсонга ёқадиган маромини хис этишга муяссар бўлади.

Л. Башарованинг “Ширин хотиралар” туркумидаги бир-бирдан ажойиб офортлар ҳамда кейинги йилларда яратган акварел техникасида катта маҳорат билан ишланган манзаралари юксак бадиийлиги билан алоҳида ажралиб турадиган ечимда бажарилади. Уларда рассом ўзининг аввалги асарларига хос шартлилиқ тарзда фазовий тасвирлирни ўрганиш асосида табиатнинг кўз илғамас кенгликларини тўлдирган ҳаёлий, мусикий оҳангларни ниҳоятда образли тарзда ифода қилган.

Шунингдек, рассомнинг безатилган ва нашр этилган “Дунёга тенгдош ҳазина” Ўрол Ўтаев, “Шарқ” нашриёти. 1994 “Бола Алишер” Ойбек, “Чўлпон нашриёти”, “Информатика” (8-9 синфлар учун дарсликлар) А. Абдукодиров, А. Хаитов. “Шарқ нашриёти”. 1995. Фарход Мусажоновнинг “Текин томоша” деб номланган “Чўлпон” нашриётида асарларида табиатнинг турли об-ҳаводаги фаслларида қизиқарли воқеалар қутилмаган композициялар ечимида акварел техникасида моҳирлик билан мужассамлаштирган. Унинг манзараларида композицион ритмнинг кенглиги, пластик тасвир йўли, дид билан қўлланилган ранглар гаммаси асарларнинг образлилиги ва ифодавийлигини янада бойитган.

Рассом мўйқаламига мансуб “Сказки матушки Гусыни” деб номланган Шарль Перронинг эртақ китобини “Шарқ нашриётида 1996. да чоп эттирди. Яна шу нашриётда “Мартин Севьер” WordWize”нинг безаттаг асари 1996. “Боланинг луғат бойлиги” Қ. Абдуллаева “Шарқ нашриёти 1998. “Алпомиш” ўзбек миллий достони “Шарқ нашриётида, “Кашмир сеҳргари” ўзбек халқ эртаги 1999, “Так-тук-так, эшигингни оч” япон халқ эртаги. “Ш”н. 2000 йил “Хийлакор чиябўри” хинд халқ эртаги. “Ш”н. 2000. гуаш ва акварел бўёқлардан усталарча фойдаланиб картон таг асосига қуёш ботиш чоғидаги бўзсув каналининг бир алоҳида манзарасини каналнинг икки қирғоғи қалин дарахтлар, қамишзорлар ва бошқа ўт-ўланлар билан қопланган кўринишини, “Тўмарис”, “Шухрат”, “Ш (ўзбек, рус”н. 2001. “Алжабрнинг туғилиши”. Миркарим Осим. “Ш”н. 2001. “Ўзбекистон конституцияси” 2-3 синфлар учун Улар оқиш, қизғиш тўқ жигаранг-тўқ яшил ранглар билан ифодаланган (ўзбек тили), “Азбука конституции” 2-3 классы (на русс.яз) “Ш”н. 2001-2002. “Ўқиш китоби” дарслик. “Ш”н. Шартли ҳарфлар ёки рақамли компютер технологиялари ёрдамида болалар кўзига, дидига ёқадиган ўртасида, яъни асар марказида қуёшнинг ботишдан олинги сўнги сарғимтир ёрқин, оқиш ва ялтироқ нурлари асарнинг композицион ечимининг ялтироқ лаҳзасининг марказида манзарага алоҳида ажиб бир ёқимли сирли маъноли ранглар уйғунлигида пухта ўйланган ечимда ёзилган. Осмонда

ботиб кетишга улгурган куёшдан кейинги оқиш-қизғиш тусларда шом вақтдаги сокинликни бошланишини томошабин кўз ўнгида реал рангларнинг майин қоришиғида бор ҳақиқати билан намоён этади.

Ижод соҳибининг навбатдаги “Тўмарис”, “Шухрат деб номланган картонга сув бўёқ ёрдамида 2001 - йил ишланган манзарасида эрта тонгдаги ўзбекистонни қиров ёки шудринг тушган онларидаги, инсон ўша давр табиат қўйнига чиқса эти салқин ҳаводан жунжикиб кетадиган майин оқиш, туман қоплаган ва унинг остидан тўқ қорамтир ҳаво рангли буталар ва кичик дарахт шохлари сизни ажиб бир сирли сукунат сари олиб кириб кетадиган композицион ечимларни қўллаб қутилмаган замонавий тасвирларни амалга оширади..

Рассом томонидан 2001-2003 йил картонга темпера бўёғи сингари бадиий ашёлар билан ёзилган “Азбука конституции” 2003 на русском языке китоб тасвирларида Ўзбекистон конституциясига хос рамзий, шартли чизги ва шаклларни қўлланилиши диққатга сазовор. Томошабин уни кўрса ажойиб ва қутилмаган Ўзбекистон таълимига мос мактаблар, замонавий қурилган илм масканлари композиция ўртасида шундай табиати гўзал манзараларига бой диёри борлигидан фаҳраланиб кетиши ажаб эмас. “Ўқиш китоби” дарслик. “Ўқиш китоби” “Шарқ” 2003, “Болалар шеърят анталогияси”. “Шарқ” нашриёти. 2005.. Гул қиз” Европа халқлар эртаклари” Шарқ “нашриёт 2005.” Белоснежка и семь гномом”. “Арт-Филех нашриёти. 2006.

“Сорконожка” Шарқ халқлари эртаклари.” Шарқ” нашриёти. 2007.” Мушук Катангеннинг арифметика дафтари Жовани Рабони.” Шарқ” нашриёти 2008 йили босмадан чиқди.” Адми – Бади” Самад Бехранги. Шарқ нашриётида 2008.” Ватаним-кенг жаҳоним” Фулом Шомурод. “Шарқ” нашриёти. 2010. 2010 йили қирғиз халқлари тилида” Шарқ нашриёти да чоп этилди.” Алифбо” тожик тилида “Ўзбекистон нашриётида 2011 йили босмадан чиқди.” 2012 йил. энциклопедия.

“Сехрли туш.”. “Адиб” нашриёти. 2012. Қуёшли ёмғир қўшиғи.” 2012 йили чоп этилди. 2014 йили Инглиз халқ эртаклари.

2014 йили. Шарқ нашриётида чоп этилди . 2016 йили. Венгер халқ эртаглари. “Ўзбекистон “ нашриётида босмадан чиқди.

2008 йили “Болалар учуе энциклопедия”. 1-2 томлар. Жаҳон халқлари миллий либослари. “Венгер халқ эртаклари”. “Ўзбекистон” нашриётида 2016 босилди. 2017 йил “Қутилмаган воқеа” Овсей Дриз. “Шарқ” нашриётида 2017 йили нашрдан чиқди. “Донишманд вазир “Шарқ халқ эртаклари. 2017 йили. Ўзбекистон нашриётида чоп этилди С. Азиевнинг “Сказки на нвый лад” китоби номли эртакларга ишланган китоб 2018 й. “Кўз мунчок” шеърлар ва эртаклари тўплами. Шарқ” нашриётида 2019 й. чоп этилиб босмадан.

Мана бу ижодкорнинг табиатга, унинг сир-синоатларини нозик ҳолатларини хис қиладиган инсон эканлигини ўзида бор ҳақиқати билан намоён эта олганлигини кўрсатади. Шунингдек Л. Башарова тез-тез вилоятининг тоғли Бўстонлик туманинг хуш манзара худудларига бориб, ўша жойнинг соф, тоза ҳавога тўла манзарва Европалик рассомаларини берилиб, уларни чизги услубларини асосли тарзда ўзидан ўтказиб, тасвирлайди. Муаллиф томонидан 2020 йил ёзилган “Алжабрнинг туғилиши” номли китобининг чизги лари атрофларини ва баланд бўйли математик сонлар, рақамлар билан ўралган гўшасни хуш манзара кўринишини унинг бқиёс тароватини катта маҳоратга эга бўлган ижодкор сифатида симметрик тарзда ўйланган композицион ечимда матога мой бўёқлар ёрдамида ёқимли рангларни уйғунлаштириб акс эттирган. Унда қўлланилган колорит асарни томоша қилган инсонни баҳри дилини очиши мумкин. Айниқса, тоғдан линогравюрага ўхшаш асосга акс эттирилган жонзотлар отга ёки йўлбарсга ўхшаган коматли, катта мушук кўринишида ва унинг устида келаётган қаҳрамон дарё устига ўрнатилган ва икки томони ингичка чизгилардан иборат кўприкдаги худудда, шу ерлик қишлоқ одамларининг қаҳрамонлари, бшлмиш, терак, ёнғоқ, чинор, сада бодом каби турли хил дарахтлар қўйнидаги яшил, иссиқ, илиқ колоритдаги ранглар уммонида сизни ўз бағрига беихтиёр чорлайди. Ҳаммадан ҳам фазовий қисқариш қонуниятларидан усталарча фойдаланиб асарнинг тўғрисида кўринаётган узоклардаги баланд чўққисида қорлари бор ва унинг осмондаги турли хил

рангларда сузиб юрган булутлар кичик хажмда ёзилган манзарани худди катта панаорамадагидек кўринишини таъминлаганлиги ижодкор томонидан тасвирий санъатнинг график чизги сирларини чуқур ва мукамал устаси акс эттирганлигини яққол сездиради. Бу билан ижодкор на фақат график рассом, балки шу билан бирга акварелда, темпера ва мойли бўёқларда ҳам томошабинни ўзига жалб қиладиган асарларни яратишга моҳирлигини тасдиқлайди.

Л.Башаровани биз ажойиб китоб безовчи рассом сифатида ҳам биламиз. Унинг иллюстрацияларида замонавийлик, давр нафаси сезилиб туради. Рассом китоб графикасида миллий анъаналарни ўзига хос ижодий услубда акс эттирганлиги диққатга сазовор. Иллюстрациялар рангли литография ва акварель техникасида ишланган. Л.Башарова китоб графикаси йўналишида ўта фаол ва ўзига нисбатан талабчан ижодкор бўлган. Рассом томонидан яратилган ёзувчилар ва шоирлар томонидан болалар учун ёзилган турфа хил китобларнинг муқовалари-ю, ички варақларидаги иллюстрацияларини катта маҳоратга эга бўлган китоб графикачи рассоми сифатида безакларини муваффақиятли тарзда бажаришга эришган. Демак, Л.Башарова Ўзбекистонда етук ва танилган китоб графикачи, уста рассоми сингари катта маҳоратга эришган ижодкор.

Л.Башарова, 2021-йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган. “2023 йили Ўзбекистон халқ таълими ва инновациялар вазирлиги томонидан “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишори билан мукофотланган. Л. Башарова на фақат моҳир гарафик рассом балки, катта педагогик тажрибага эга бўлган устоз сифатида ҳам ўзига хос ўқитувчилик касбига содиқ бўлган, шогирдларни севиб, яхши кўриб, эринмасдан графиканинг ҳар бир сир-асрорларини уларга тушунтириб дарс ўтишга моҳир устоз бўлган дейилса муболаға бўлмайди. У ёш бўлғуси график рассомлар шу соҳани мукамал ўрганишлари учун, ўқув услубий қўлланмасини яратди. Мазкур графиканинг юза босма техникаси бўйича маълум бир кетма-кетликда лаборатория машғулотларида ва назарий машғулотларида қандай босқичларда, қандай ашёлардан фойдаланиб асар яратиш мумкинлигини шу қўлланмасида устоз ҳар бир мавзунини, ҳар бир лаҳзасини алоҳида, алоҳида лавҳаларда кўрсатиб тушунтириб берган. Ушбу ўқув қўлланмаларнинг бир нечта нусхалари институт кутубхонасига талабалар ундан фойдаланишлари учун топширилган. Ана шу қўлланмалар ҳозирги кунда ҳам шу йўналишда таълим олаётган ёш талабалар томонидан қўлма-қўл бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Х.Караматов ва муаллифлар жамоаси нашри. Ўзбекистон санъати(1991-2001йиллар.) 2001.Тошкент “Шарқ”нашриёти – матбаа Аксиядорлик кампанияси Бош таҳририяти.Графика.53-60бет.
2. Н.Абдуллаев.Ўзбекистон санъати тарихи.2009. Тошкент.
3. А.Ҳакимов. Ўзбекистон санъати. 2018. Тошкент
4. Искандар Воҳидов. Ашёда ишлаш.Т.Чашма-принт.(юза босма учун)
5. Тўлқин Аҳмедов. Бадиий ашёлар технологияси. Дарслик. Тошкент:“Lesson-press” нашриёти. 2022-180б.